

# ЯНГИ ТОШКЕНТ БУНЁДКОРЛАРИ, ОЛИЙ МУКОФОТЛАР МУБОРАК!



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 137 (4128.)

12  
И Ю Л Ъ

ШАНБА  
1969 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

◆ПОИТАХТИМИЗ тобора гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Қардош республикалар қурувчиларининг биродарларча ёрдамлари туфайли шаҳримиз қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Суратда: Чилонзор массивининг 23-қаватлида россиялик бинокорлар қурган бинолар.

И. Глауберзон, ва  
В. Сироткин фотоси.

◆В. И. ЛЕНИН музейи қурилиш тобора жадаллашмоқда. Ушан қурилишда монтажчи Р. Сафаров жонбозлик кўрсатмоқда. У қурилиш нормани муттасил ошириб адо этмоқда. Суратда: илгор монтажчи Р. Сафаровни кўриб турибсиз.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИК ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

### ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 июль кечқурун Катта Кремы саройида Иттифоқ Советининг раиси депутат И. В. Спиридонов раислигида СССР Олий Совети олтинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси бўлди.

Мажлиса Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар бошланди. Депутатлардан РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Школьников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Овчаренко, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов, СССР Езувчилар союзи правленисининг секретари Н. С. Тихонов, Москвадаги «Серп и молот» металлургия заводининг пулат эритувчиси В. В. Клюев, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. О. Притицкий, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечук, Совет хотин-қизлари Комитети президиумининг раиси В. В. Николаева-Терешкова, КПСС Уфа шаҳар комитетининг биринчи секретари М. З. Шокиров, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников сўзга чиқдилар.

Шу билан мажлис тамом бўлди. 11 июлда сессия ўз ишини давом эттиради.

Еттинчи чақирик СССР Олий Советининг олтинчи сессияси 11 июль эрталаб соат 10 да Катта Кремы саройида ўз ишини давом эттирди.

Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, И. Ф. Капитонов, К. Ф.

Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўрқоқлар президиумга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни самимий кутиб олдилар.

Сессия иштироқчилари Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан СССР Ташқи ишлар министри депутат А. А. Громико докладини муҳокама қилмоқдалар. Эрталабки мажлисда музокараларда биринчи бўлиб СССР Ташқи савдо министри депутат Н. С. Патоличев сўзга чиқди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг 11 июлда ўтказилган қўшма мажлисида СССР Ташқи ишлар министри депутат А. А. Громиконинг «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисидаги доклады юзасидан музокаралар давом этди.

Музокараларда СССР Ташқи савдо министри депутат Н. С. Патоличев, КПСС Хабаровск область комитетининг биринчи секретари депутат А. П. Шитиков, Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари депутат С. Н. Усмонов, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат Г. А. Тер-Газарян сўзга чиқдилар.

Раислик қилувчи СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси депутат Ю. И. Палецки музокараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф тушди ва депутат А. А. Громико якуновчи нутқини сўзламайдиган бўлди, деб хабар қилади.

Сессия қатнашчилари гулдурас қарсақлар остида бир овоздан қуйидаги қарорни қабул қилдилар: «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети СССР Ташқи ишлар министри депутат А. А. Громиконинг «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисидаги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор

қилади: СССР ҳукуматининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар соҳасидаги амалий тадбирлари тўла маъқуллансин».

Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрловчи комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат Р. Нишонов сессия кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан — «СССР қонунлари лойиҳалари тўғрисида: СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунилари асослари, дастлабки қамоқ тўғрисидаги низом, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунилари асосларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» доклад қилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг 11 июлда Катта Кремы саройида бўлиб ўтган қўшма мажлисида СССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат М. П. Георгадзе сессия кун тартибидagi учинчи масаласи юзасидан доклад қилди. У айтдики, СССР Олий Советининг ўтган йил декабрь ойида бўлган бешинчи сессиясидан кейин ўтган вақт ичида СССР Олий Совети Президиуми фармонлар қабул қилди. СССР Конституцияси талабларига мувофиқ, бу фармонлар СССР Олий Советининг тасдиқида тақдим этилди.

М. П. Георгадзе СССР Олий Совети Президиуми номидан фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаларини СССР Олий Советининг тасдиқида тақдим этди.

СССР Олий Совети СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш ва тегishли қонун ҳамда қарорларни қабул қилди.

Кун тартибидagi масалалар кўриб чиқилди. Еттинчи чақирик СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тамомлади, (ТАСС).



## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯЛАРИДА

10 июль кун Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлиса Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. А. Суслов, Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. Пономарев, Олий Советининг Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссияларининг аъзолари ҳозир бўдилар.

Мажлиса В. Н. Пономарев раислик қилди.

Комиссиялар СССР ташқи ишлар министри депутат А. А. Громиконинг еттинчи чақирик СССР Олий Совети олтинчи сессиясида муҳокама қилинган «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисидаги доклад юзасидан тушган таклифни муҳокама қилдилар. Комиссиялар СССР Олий Советига тегишли қарор лойиҳасини киритиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

## СССР Олий Совети Президиумида

Тошкент шаҳридаги энгизла оқибатларини тутатишда актив қатнашчилар, шахрнинг қайта тиклаш ва қуришда қардошларча ёрдам берганликлари ва фидоқорона меҳнат қилганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1969 йил 10 июлдаги фармонлари билан иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва шаҳарлар қурилиш ва монтаж ташкилотларининг энг яхши ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини, шуниинг Совет Армияси ҳарбий хизматчилари, иш-

чилари ва хизматчиларидан бир гуруҳининг СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан: СССР Монтаж ва маҳсуе қурилиш ишлари министри «Сибстальконструкция» трестига қарашли Урта Осв қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиларининг бригадари А. С. Авакумов, «Главмособстрой»нинг «Подмосковье» қурилиш-монтаж поезди дуратори В. И. Воробьев, «Главташкентстрой»га қарашли Тошкентдаги 1-исполком комбинати йирик панелли уйсонли заводининг бетончилар бригадери К. Исоков, «Главмосстрой» қурилиш бошқармаси 169-қурилиш бошқармасининг сувоқиси Н. Ф. Лагутова, СССР Санавт қурилиш министри «Главпромскестрой» бош бошқармасига қарашли «Росташстрой» трестининг собиқ бошқарувчиси В. Н. Маркин, СССР Қурилиш министри «Главволговятскестрой» бош бошқармасига қарашли 1-механизация бошқармаси бульдозер машинисти Д. И. Михалицин, Украина ССР огир индустрия корхоналари қурилиш министри «Криворожсестрой» трестига қарашли 7-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. Ф. Палий, СССР Огир индустрия корхоналари қурилиш министри «Главузбасстрой» бош бошқармасига қарашли Новокузнецк қурилиш монтаж поездининг монтажчилар бригадери В. Я. Рубцов мукофотландилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 87 киши, «Хурмат белгиси» ордени билан 132 киши, «Меҳнатда шўҳрат кўрсатганлиги учун» медали билан 133 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан 132 киши мукофотланди.

Фармонлар «СССР Олий Совети ведомстволари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

А. Абалин фотолари.



## ҚАРДОШ ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ВАКИЛЛАРИ ОБЛАСТ ИМИЗДА

Кеча қардош Озарбайжон ССР пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси республикага келди. Улардан бир гуруҳи бизнинг область пахта далаларида бўладилар.

Имичий район партия комитетининг секретари Н. К. Керимов бошчилигидаги бу гуруҳи областимизнинг Юкори Чирчиқ, Урта Чирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл районларида бўладилар.

Делегация составида Озарбайжон ССР Пушшин районидagi Телман номли колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Олий Советининг депутати И. Гасанова, Удмурт район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Г. Гусейнов, республика пахтачилик илмий текшириш институтининг илмий ходими Г. Мухторов ўртоқлар бор.

Қардош мусобақадорлар кеча Юкори Чирчиқ район хўжаликлари далаларида бўлиб, пахтакорлар, меҳанизаторлар, сувчилар иш билан

танишдилар. Яхши ривожланиб, эрта ҳосилга кирган гузалари кўриб ювондилар. Айрим ерларда тузалар ўсишдан оранда қолганлигини аниқладилар. Бунинг учун озилантириш ва суғоришни сифати ўтказиш карасилигини алоҳида таъкидладилар.

Юкори чирчиқликлар мусобақа дошларининг бу маслаҳатларини маъқуллаб, гуза парвариниш лнада ишчаптиришга сўз бердилар.

Областимиз пахтакорлари қардош мусобақадорлар аниқлаган намчиликларни тезда тугатиб, барча майдонларда гузаларни барвақт ҳосилга киритиб олиш тадбирларини кўришлари керан.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Юкори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь» колхоз пахта далаларини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалин фотолари.





